



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



<b>Шахриёр Шодиёрович Тураев</b> Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев</b> Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
<b>Latofat Tolibovna Yuldosheva</b> Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
<b>Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova</b> Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
<b>Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов</b> Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
<b>Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова</b> Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
<b>Мухауво Вахриллоевна Хамроева</b> Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
<b>Парвина Аслиддин қизи Холматова</b> Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
<b>Kamol Sharifovich Yuldashev</b> Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
<b>Анжим Айдосбаевна Ембергенова</b> Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Гўзалхон Ақром қизи Абдурашидова</b> Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
<b>Мохигул Эркиновна Ахтамова</b> Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
<b>Nargiz Toxirovna Sattarova</b> Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Ақрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова</b> Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova</b> Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти,  
и.ф.ф.д.,

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ – МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистоннинг миллий туризмида янги-музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари келтирилган. Шунингдек, музей туризмини ривожлантиришда таклифлар тавсия қилинган.

**Калит сўзлар:** музей, муза, мифология, гербарий, тулуп, тамаддун, осори-атиқалар, экспонат, интеграция, концепция, трагедия, комедия, поэзия.

**Кириш.** Ўзбекистонда қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, ушбу соҳани замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби муҳим масалалар мавжуд.

Хукуматимизнинг қарорларига туризми ривожлантириш масалалари киритилганлиги миллий туризмида янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қилади. Яъни, музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепциясига мувофиқ музейда жамоа билан коммуникациянинг янги усуллари жорий этилмоқда. Ҳозирда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш лозим[5]. Шундай кенг дастурлардан бири ватанимизнинг миллий туризмида янги тур-«Музей туризмини» яратиш ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Музейларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар билан танишиш мумкин. Осиёдаги ғалабалари натижасида таланган бойлик ҳисобидан Александр Македонский устози Аристотелга 30 минг талант (ўша даврдаги олтин ҳисобидаги пул бирлиги) юборди. Бу пулларга Аристотел табиатшунослик музейини ташкил қилди. Аристотел ўзининг подшо ўқувчисидан янги ерлардаги номаълум ўсимликларнинг намунасини (гербарий-ўсимликлар музейи, қандайдир янги ҳайвонларнинг тулупларини (қуритилган кўриниши) доимо юбориб туришини сўраган (ҳайвонлар музейи). Бу биринчи музейлар ва музейшуносликнинг бошланиши эди [7].

«Музей»-юнонча атама бўлиб, «муза» сўзидан олинган. Қадимги Юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари «музалар» деб юритилган. Музалар, яъни маъбудалар ёки худолар шоир ва санъаткорларга илҳом беради, деб эътиқод қилинган. Шунинг учун антик поэзия асарларининг бошида кўпинча музага мурожаат қилинган. Санъат ва адабиётга, тарихга оид бир қанча маъбудалар мавжуд бўлган. Жумладан, антик шоирлардан Гесиод (мил.авв. VII аср) 10 та маъбудани санаб ўтади[6]:

1.Клио–тарих; 2.Евтерпа–поэзия ва мусиқа; 3.Талия–комедия;4. Мельпомена–трагедия; 5. Терпсихора–ўйин; 6. Эрато–муҳаббат лирикаси; 7.Полигиления–гимнлар; 8.Урания–астрономия; 9.Каллиопа–эпос;10. Апполлон -Муза худоси ҳисобланган [7] (1-расм).

Муза образи Европа тасвирий санъатида ўз аксини топган. Маъбудалар-турли шаклдаги ҳайкаллар алоҳида эҳтиром билан муқаддас саналган иморатларда сақланган. Инсонлар маъбудаларни зиёрат қилиб, орзу-истакларини амалга оширишини тилаганлар. Натижада музалар жойлашган даргоҳ инсонларнинг зиёратгоҳига айланган. Бу даргоҳда энг асл буюмлар, нодир, қимматбаҳо ашёлар ва гўзал санъат асарлари ҳам сақланган. Улар бу бино сатҳини безаш билан бирга, зиёратчилар қалбида ҳам алоҳида таассурот

қолдирган. «Музеун»-бу гўзал буюмлар сақланадиган, илҳом парилари тўпланадиган жой деган маънони англатади.



1-расм. Музалар-маъбудалар

Музей туризми Россия олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда [2, 3, 4,8]. Бу тадқиқотларда Музей туризмни Россияда ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари тавсия қилинган. Биз бу хулосалардан Ўзбекистонда миллий музей туризмни ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини тушуниб олишимиз лозим. Ўзбекистонда музей туризми ҳақида мақолалар ёки қандайдир ахборотлар то ҳозиргача эълон қилинган эмас.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотни бажаришда аналитик ва статистик таҳлиллар, илмий экспедиция натижаларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўҳна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилмалар ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади. Шундай бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, миллий тарихимиз ҳамда анъаналаримизни чуқур ўрганиб, илмий асосда таҳлил ва тарғиб этиш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, айниқса, ёш авлодни маънавий юксалтиришда музейлар алоҳида ўрин тутади. Музейлар инсоннинг эстетик дидини оширишга ҳамда руҳий баркамоллигини таъминлашга катта хизмат қўрсатади. Тарихий-маданий буюмларни ўзида сақловчи бу масканлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Музейлар жамиятни тарих билан боғлаб туради.

Республикамызда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук қилиб тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг шакллантиришда музейларимиздан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида[1] қуйидагилар белгиланган:

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларни кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

-мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур Қарор ватанимиздаги музейлар фаолиятини тараққиётга бошлайди. Бу тараққиётга мамлакатимизнинг миллий туризми ҳам ўзининг самарали илмий-амалий тадқиқотлари ва меҳнатларини қўшиши лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг миллий туризмида музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришга жадал киришиш керак. Иккинчидан, мамлакатимизда сўнгги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлоднинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айни вақтда, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф буюрган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро миқёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор. Шунинг учун ҳам, туризм таълимидаги бўлғуси мутахассислар “Музей туризми” турида музейлардан туризмда фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмларини яхши ўзлаштириши керак.

**Музей туризмнинг объекти:** Ўзбекистондаги музейлар ва уларнинг фаолияти ҳисобланади.

**Музей туризмнинг предмети:** бу музей экспонатлари орқали инсонда билим олиш, қадриятларни сингдириш, тасаввурларни ва ҳиссиётни англаш таъсирланишни ҳосил қилишдан иборатдир.

**Музей туризмнинг мақсади:** Ўзбекистонда музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг методологик ва ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

#### **Музей туризмнинг вазифалари:**

- музей туризмнинг Ўзбекистон миллий туризмида янги истиқболли тур сифатидаги тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини оширувчи омилларини асослаш;
- глобализм шароитида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музей туризмни ривожлантиришнинг объектив зарурлигини асослаш;
- Ўзбекистонда музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда музей туризмнинг ресурслари, турлари, тасниф ва таърифларини яратиш;
- Ўзбекистонда музей туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари, муаммоларини аниқлаш, улар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ички ва халқаро музей туризмни ривожлантириш йўналишлари бўйича тавсиялар яратиш;
- Ўзбекистоннинг инновацияли иқтисодиётида музей туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистонда музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишнинг методлари ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги оширишда куйидаги тадқиқотларни амалга ошириш лозим:

- Музей туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш имкониятларини аниқлаш;

- Музей туризмнинг ахборот-рекламалари марказларини, маршрутлари, экскурсияларини яратиш, музей туризмнинг гид-экскурсиячиларини тайёрлаш;
- Ўзбекистонда ички ва халқаро музей туризмини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Янги иш ўринларини таъминлашда музей туризми хизматларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- Музей туризмини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва истиқболлини белгилаш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш.,2018 йил 26 август).
- 2.Брежнева М. Л., Культура и взаимодействие народов в музейных, научных и образовательных процессах – важнейшие факторы стабильного развития стран Евразии: сб. науч. тр.: в 2 ч. Омск: Издат. дом «Наука»,2021. – Ч. 2. –186 с.
- 3.Здасюк Н.М., Учебная программа учреждения высшего образования учебной дисциплине мезейного туризма, 2015, 8 с.
- 4.Зиба Я., Музейный туризм: определения, понятия и проблемы его развития, 118 с. - Экономические науки -International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 10-4 (85), 2023.
5. Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б.
6. Мягтиной Н. В. ; Музееведение:Учеб. пособие Владим. гос.ун-т. – Владимир : Изд-во ВлГУ, 2010. – 114 с.
7. Соколова М. В., История туризма.Учебное пособие.Издательство «Мастерство», Саратов, 2002.-349 с.
8. Романчук А. Б.,Музейный туризм, Санкт-Петербург, Исторический Университет, 2010, 43 с
9. Урунбаева Ю.П. Аҳолининг маънавий-маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти. «Iqtisodiyot va turizm» Халқаро илмий ва инновацион журнал. №2(16) 2024. 74-84 б.
- 10.Урунбаева Ю.П. Янги Ўзбекистонда музей туризмини ривожлантиришнинг назарий асослар. “BIZNES - ЭКСПЕРТ” 2024 69 -74 б.
11. Урунбаева Ю.П. Музей туризми ва аҳоли турмуш даражаси. “biznes-ekspert” 2024. 13-20 б.

<p><b>Ю.Уринбоева</b></p> <p><b>Цели и задачи организации и развития нового – музейного туризма в Узбекистане</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье приведены цели и задачи организации и развития нового вида туризма – музейного туризма в национальном туризме Узбекистана. В ней также предложены рекомендации по развитию музейного туризма.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> музей, муза, мифология, гербарий, чучело, цивилизация, антиквариаты, экспонат, интеграция, концепция, трагедия, комедия, лирика.</p>	<p><b>Yu.Urunbaeva</b></p> <p><b>The purpose and objectives of the organization and development of new museum tourism in Uzbekistan</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article presents the goal and objectives of the organization and development of a new type of tourism – museum tourism in the national tourism of Uzbekistan. Recommendations for the development of museum tourism are also offered.</p> <p><b>Keywords:</b> museum, muse, mythology, herbarium, stuffed animal, civilization, antiques, exhibit, integration, concept, tragedy, comedy, lyrics.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.